



Азиз газетхонлар!
Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб боряптими?
Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!



Самарқанд вилояти

«Ishonch» саволи

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига!

ФАРМОН ИЖРОСИ ҚАЧОН ТАЪМИНЛАНАДИ?

Оммавий спортни ривожлантириш давлат эътиборидаги масала. Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида айнан шу соҳа истиқболи белгилаб берилган. Бу йўналишда амалий фаолият бошланиб кетганига анча бўлди.

Касаба уюшмалари томонидан ходимлар гимнастикасини ташкил этиш, саломатлик юришлари муттасилиги таъминланмоқда. Бироқ фармоннинг 13-бандида назарда тутилган омил ижроси ҳали ҳануз таъминланганича йўқ. Яъни ушбу бандда «2021 йил 1 январдан барча давлат органлари ва ташкилотларида: соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга «Спорт тарғиботчиси» қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорда устама белгилаш йўлга қўйилсин» дейилган. Тизимдаги 113 нафар ходимга «Спорт тарғиботчиси» қўшимча вазифаси юклаганига ҳам қарийб икки йил бўляпти. Улар томонидан муайян ишлар амалга ошириб ҳам келинмоқда. Аммо устамани молиялаштириш, тўлаш пайсалга солинмоқда.

Фармон ижроси қачон таъминланади? Биз қўшимча вазифа юклаган ходимлар олдида уялиб қоляпмиз.

Жўшқин ОЧИЛОВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси раиси

БОНГ



Андижон вилояти

Сурхондарё вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

ҚўЧҚОРОВ НИМАДАН НОРОЗИ БЎЛГАН ЭДИ?

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА МУЗРАБОТ ТУМАНИДА ЯШОВЧИ БАХТИЁР ҚўЧҚОРОВ АРЗ БИЛАН КЕЛДИ

У мурожаатда иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози эканини қайд этганди.

Кенгаш мутахассислари мазкур вазиятни атрофлича ўрганди. Маълум бўлишича, Бахтиёр Қўчқоров Музработ тумани халқ таълими бўлимининг 2020 йил 2 сентябрдаги №147-К сонли буйруғига асосан, 2020 йил 2 сентябрдан бошлаб бир шатт бирлигида Музработ туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари вазифасига ишга тайинланган.

Иш берувчи 2022 йил 17 январь куни Бахтиёр Қўчқоровни малакаси етарли бўлмагани сабабли Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига

асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирган. 1 февралдан бошлаб эса ишдан бўшатган.

Аммо буйруқ ноқонуний бўлгани сабабли Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Музработ тумани Халқ таълими бўлимига кўрсатма киритди. Унга асосан Музработ тумани Халқ таълими бўлими 2022 йил 18 апрелда 1 февралдаги буйруғини бекор қилиб, Б.Қўчқоров ўз вазифасига ишга тикланган. Лекин унинг мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақларини тўлаб бермаган.

Бахтиёр Қўчқоровнинг му-


рожаатда уни ундириш сўралган эди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига Музработ тумани халқ таълими бўлимига нисбатан Б.Қўчқоровнинг мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақлари ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъво ариза киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра Б.Қўчқоровга 8 207 685 сўм иш ҳақи ва 3 185 072 сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



«Аёллар дафтари»ни варақлаганда МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

«Аёллар дафтари» ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратга олиш бўйича маълумотлар базаси ҳисобланади.

Хўш, унга кимлар киритилади ва қандай ёрдам кўрсатилади?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят кенгашида шаҳар ва туманларга «Аёллар дафтари» бўйича бириктирилган масъул ходимлар ҳамда туман, шаҳар оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиқлари учун ўтказилган семинарда шулар ҳақида сўз юритилди.

Унда хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлашга қўмаклашиш бўйича вакил, Соғ-

лиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханапиев, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Гулнораҳон Абдуллаева, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси Қодиржон Парпиев хатловларни ташкил этиш, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда муаммоларнинг ечими юзасидан тегишли тушунча ва тавсиялар беришди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

АЙТИШЛАРИЧА...

Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi
Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

«ЎЗАС»ДА БОШ МУҲАРРИР ЎЗГАРГАН



Яъни, мазкур газета бўлими мудир лавозимида ишлаб келган Хумоюн Акбаров бош муҳаррир этиб тайинланган.

Яна қайд этилишича, нашрнинг айни вақтгача бош муҳаррири сифатида фаолият юритган Салим Ашур Ёзувчилар уюшмасига ишга ўтган.


Ҳафтадан жума куни чоп этиладиган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2023 йилдаги янги сони ҳали нашр этилмади. Манбаларнинг хабар беришича, бу газета адади билан боғ-

лиқ бўлиб, ҳозиргача унга 300 нуска обуна бўлинган, холос.

Балки янги бош муҳаррир газетанинг олдинги бўлими тиклар. Бир вақтлар мазкур газета 850 мингга яқин ададга эга бўлган. Ушбу нашр мазмун ва мундарижа жиҳатдан ҳам ўзбек зиёли аҳлининг энг ўқишли газетаси эди.

Биз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг яна уша мақомда тикланишига умид қиламиз. Бу айтишгагина осон бўлган вазифани рўёбга чиқаришда янги муҳаррирга омад тилаймиз.

БИЗНИ ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚЎЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА КУЗАТИБ БОРИШИНГИЗ МУМКИН:



Қорақалпоғистон
Республикаси

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан ёш авлоднинг ўқишдан бўш вақтини сермазмун ўтказиш, уларда ватанга муҳаббат туйғусини ошириш йўналишидаги ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бунинг оралиғида миқёсда амалга оширилган ишларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Хусусан, 2022 йилнинг 14 июль – 23 август кунлари 2 минг 430 нафар оролбўйлик болалар Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги энг сўлим ва намунали стационар оромгоҳларда соғломлаштирилди. Болаларни Нукус шаҳридан оромгоҳ жойлашган ҳудудларга етказиш ва қайтариш «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси томонидан ҳоимлик асосида бепул йўлга кўйилди. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда маҳаллий ҳокимликлар, Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли давлат органлари ҳамда касабга уюшмалари вакиллари томонидан болалар танталани кутиб олиниб, уларни белгиланган оромгоҳларга олиб бориш ма-



Соғломлаштириш

Орзулар масканига хуш келибсиз!

саласи махсус автобусларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кузатуви остида амалга оширилди. Ўз навбатида, мазкур тадбир дастури Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан янгича руҳ билан бойитилди. Жумладан, ҳар бир оромгоҳда «Биз бир элмиз, бир халқимиз, Янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз» шиори остида маданий-маъ-

рифий тадбирлар ва халқимиз орасида обрў-этиборга эга бўлган ёзувчи шоирлар, санъаткорлар ва Ўзбекистон Қаҳрамонлари иштирокида шукроналик ва бағрикенглик мавзуси бўйича учрашув ҳамда маданий тадбирлар уюштирилди. Болаларнинг тегишли ҳудудлардаги тарихий қадамжолар ҳамда сўнгги йилларда барпо этилган бунёдкорлик иншоотларига саёҳатлари ташкил этилди.

2022 йилги ёз мавсумида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган 11 та стационар оромгоҳда эса жами 7 минг 485 нафар, шундан касабга уюшмалари ҳисобидан 2 минг 739 нафар бола, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг 2 минг 903 нафар фарзанди, «Оилавий болалар уйлари»даги 93 нафар тарбияланувчи ва ҳокимликлар ҳисобидан 1 минг 746 нафар бола дам олдирилди.

Яна бир жиҳат шуки, Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка ҳудуди Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳи шу кунларда – киши таътилда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Яқинда ушбу оромгоҳга Ўзбеки-

тон касабга уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қ.Қирғизалиев ва Федерациянинг Қорақалпоғистон кенгаши раиси, сенатор У.Жалмоновнинг ташрифи болаларга катта қувонч бағишлади.

Учрашувда жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани алоҳида таъкидланди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, «Оқ кема» оромгоҳи Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомидаги топшириғи асосида қисқа муддатлар ичида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган. Айни пайтда масканда болаларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, турли йўналишларда билим ва малакаларини мустаҳкамлаш учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Дўстмурод ТҲИЧЕВ,

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси меҳнат техник инспектори

Сирдарё
вилояти

Пленум

ИМКОНИЯТЛАР САФАРБАР ЭТИЛАДИ

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Оқолтин тумани кенгаши навбатдаги пленумини ўтказди. Унда 2022 йилдаги фаолият яқунлари ва 2023 йилдаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган ва моддий кўмакка муҳтож ходимлар фарзандларига ўқув қуроллари харид қилинди. 38 та ёш оилага касабга уюшма бюджетидан моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга катта эътибор қаратилиб, 37 та имтиёзли йўланма ажратилди. Рейтинг кўрсаткичи юқори бўлган 15 нафар ходимга «Янгиер» санаторийсига йўланма берилди. Спорт тадбирлари ўтказилиб, ходимларга концерт дастурларига чипталар харид қилинди.

Йиғилишда 2023 йилда таълим ва мактабга таълим ташкилотлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қўллаб-қувватлаш, маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишлари савиясини янада яхшилаш борасида бор куч ва имкониятлар сафарбар этилиши айтиб ўтилди.

Пленумда ўзларининг фидокорона меҳнати билан бошқаларга намуна бўлаётган касабга уюшма ташкилотлари раислари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бахтиёр ТУРДИБЕКОВ,

Оқолтин туманидаги 9-мактаб касабга уюшма кўмитаси раиси

Андижон
вилояти

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Андижон шаҳар кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар кенгаши ва тафтиш комиссиясининг аъзолари иштирок этди.

Пленумда кенгаши фаолиятининг 2022 йилги яқунлари ва жорий йилдаги вазифалари кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу билан бирга, таълим соҳасида ишловчи ходимларнинг 2,5 минг нафардан зиёд фарзандларига ва махсус мактабларнинг 50 нафар тарбияланувчисига Андижон вилояти мусиқали драма театрига бепул чипталар берилди.

Насибохон ТҲРАҚУЛОВА,

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши раиси

Урганч шаҳрини айланиб юрган хорижлик меҳмонлардан бири сўради:

– Дорихона нима дегани?

– Аптека, – жавоб берди мезбон.

Меҳмоннинг қошлари чимирилди, елкасини учуриб, яна гап қотди:

– Нима, сизлар овқат ўрнига дори ёйсизларми?..

Умра зиёратидан келган аёл насиҳат қиялпти: «Зиёратга бормоқчи бўлсангиз, дори олиб кетинглар, у ёқларда аптека йўқ экан». Биз нафақат Маккаю Мадинада, дунёнинг кўплаб шаҳарларида дорихоналар санокли эканлиги ҳақида эшитганмиз.

Талаб қилишдан олдин шароит яратиш керак

Дарвоқе, дориларга ружу қўйганимиз исбот талаб қилмайдиган аччиқ ҳақиқат. Мамлакатимизнинг барча шаҳарларида деярли ҳар қадамда дорихона учрайдми. Кўпчиликнинг сумкасида дори бўлади. Уйимизда ҳам шу аҳвол. Бошимиз сал оғривса, ҳабдори ичамиз, озгина йўталсак, антибиотик қабул қиламиз.

Бизнинг бу соддалигимиздан фармацевтика компаниялари уйдабуронлик билан фойдаланишпти. Янги ва янги дори воситалари бозорларимизга кириб келяпти. Оқибатда асрлар синовидан ўтган табобатни писанд қилмай қўйдик. Телевизорда реклама қилинган дориларни зўр деб биламиз. Шунданми, «Гуанжоу» клиникаси бизни қандай лақиллатганини ҳам тез унутиб юбордик.

Айни кунларда соғлиқни сақлаш вазирлиги топшириғи асосида ҳамширалар уйма-уй юриб «Quramax Medical» компаниясининг барча дори воситаларини ва мuddати ўтган бошқа дориларни йиғиб олмақда.

Вожаб, шу ишларни олдинроқ қилсак бўлмасиди? Дори овқат эмаслигини англашимиз учун болаларимизни бой беришимиз шартми? Норасида гўдаклар ўлимидан кейингина кўзимиз очила бошладимиз?

Ҳикмат

Яхши дўсти борнинг оинага эҳтиёжи йўқдир.

Жалолiddин РУМИЙ

Ёхуд «Док-1 Макс» фожиасидан кейинги ўйлар

«Док-1 Макс» фожиаси ижтимоий тармоқларда қизгин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Кўпчилик шифокорларни айбламоқда. Лекин бу жараёнда ҳамма айбни уларга тўнкашимиз қанчалик тўғри? Тўғри, тиббиётда муаммолар етарли. Бошқарувдаги кўнимсизликдан тортиб, оддий қишлоқ шифокорининг ойлик маоши ҳаминқадарлигича бўлган талай омиллар ушбу муаммоларнинг бартараф этилишига тўғаноқ бўлмоқда. Бироқ тиббиёт фаол ҳаракатда.

Бинобарин, кейинги йилларда давлатимиз томонидан соҳага жуда катта миқдорда маблағ ажратилди. Бирламчи тиббиёт муассасалари УТТ, ЭКГ аппаратлари билан таъминланди. Барча ҳудудларда қурулштирилган тиббий кўриклар ўтказиш йўлга қўйилди. Аҳолига бепул тақдим этиладиган дори-дармонлар сони ва ҳажми кўпайди. Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси маблағлари эвазига аҳолининг эҳтиёжманд қатламида ноёб жарроҳлик амалиёлари бепул амалга оширилмоқда. Транс-

плантология кенг жорий этилмоқда. Онкологик, юрак-қон томир, эндокрин касалликларни бирламчи босқичларда аниқлаш чоралари кўрилмоқда. Буларнинг барчаси эътирофга лойиқ. Бироқ...

Биз соғлом турмуш кечирмас эканмиз, тиббиётга сарфланган миллиардлаб маблағлар ҳавога совурилаверади. Касални даволашга эътибор кучайгани яхши, олдини олиш эса ундан-да муҳим. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг уқтиришича, инсон саломатлиги қатор ташкилотларга ва турмуш тарзига боғлиқ. Бу омиллар орасида тиббий хизмат улуши анча кам.

Яна бир маълумотга кўра, дунё бўйича ҳар 1000 нафар кишининг 750 нафариди тиббий муаммо бор. Улардан 250 нафари тиббий хизматга мурожаат қилади. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич бундан-да кам бўлиши мумкин. Шу ўринда «Соғлом турмуш кечирини осонми?» деган савол туғилади. Саломатлигимизга экологиянинг таъсири алоҳида мавзу. Соғлом турмуш кечирининг асосий шартларидан бири тўғри овқатланишдир. Тўйларни, зиёфатларни, дабдабани хуш кўрадиган кишиларга тўғри овқатланиш ҳақидаги гаплар кор қилмайди. Базўр кун кечирадиганларга соғлом овқатланишни тақлиф қилиш эса кулгилли. Боз устига, бу тоифага кирувчилар кўпчиликни ташкил этади. Шаҳар тугул қишлоқларда ҳам ҳар кун сут-қатиқ ичишга, витаминларга бой таомлар тановул қилишга ҳаммининг ҳам курби етавермайди.

Соғлом овқатланиш учун кунига бир киши



Дунё бўйича ҳар 1000 нафар кишининг 750 нафариди тиббий муаммо бор. Улардан 250 нафари тиббий хизматга мурожаат қилади. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич бундан-да кам бўлиши мумкин.

камида 50-60 минг сўм харж қилиши керак. Афсуски, ўртача бир-бир ярим миллион даромадга эга 4-5 кишидан иборат оила аъзолари овқат учун бунча маблағ сарфлашга қодир эмас. Ундан кўра, нонга марга-суриб еган афнинг оқибатида келиб чиқади камқонлик, бўқоқ ва бошқа касалликлар билан яшашни биз оддий ҳолат сифатида қабул қиламиз. Ўзимизни овуттиш учун «Ҳозир соғлом одамнинг ўзи йўқ», деб қўямиз.

Хонадонбай юрган мутасаддиларга ҳамроҳлик қилиш жараёнида ниҳоятда ачинарли турмуш кечираётган инсонларни кўп кўрдик. Оддий маиший шароитларга эга бўлмаган, ҳоҳлатонаси, ваннаси йўқ, қишда бешта-ўн та киши бир хонада жон сақлайдиган оилалар кўп. Улар қандай қилиб соғлом турмуш кечирилари мумкин? Демак, батартиб овқатланиши ва соғлом турмуш кечирини талаб қилишдан олдин зарур шароитлар яратиш керак! Буларнинг «Док-1 Макс»га нима алоқаси бор дейсизми? Замонавий турмуш кечирини имко-

Долзарб мавзу

ниятлари чеклангани касалликлар кўпайишига сабабчи бўлмоқда. Алақоқибат дориларга ружу қўямиз. Орамизда «Ҳар қалай, улар ёрдамда жон сақлаяпмиз», деб ўйловчилар ҳам кўп.

Дориларни шифокор билан маслаҳатлашмай қабул қилишнинг ҳам бир қатор сабаблари мавжуд. Аввало, ойнаи жаҳонда тўхтовсиз равишда дорилар реклама қилинаётгани туфайли ҳаммамиз «дўхтир»га айланиб қолганмиз. Дорихоначи ҳам, 9-синф маълумотига эга қўшимиз ҳам, магазинчи Ғайбулла ҳам – барчамиз бир-биримизга тап тортмасдан тўғри келган дорини тавсия қилаверамиз. Аҳволимиз оғирлашганидан кейингина шифокорга бориб, бизни қисқа фурсатда даволашни талаб қиламиз. Муолажалар тез кор қилмаса, уни нўноқликда айблаймиз. Дашномлардан чарчаган айрим врачлар кучли, қимматбаҳо дориларни тавсия қилишади. Чунки улар арзон ва йиллар синовидан ўтган дорилардан кўра тезроқ таъсир қилади. Ҳолбуки, саломатлигимизни тиклашда доривор гиёҳлар ҳам асқатиши мумкин. Аммо шифокор ёзиб берган рецетпта бу воситалар камдан-кам кўзга ташланади.

Сирасини айтганда, «Док-1 Макс» фожиаси барчамизни бирдек сергалантириши керак. Айбдорлар жазосини олар ҳам дейлик. Аммо ҳар биримиз ўзимизни ўзимиз ислоҳ қилмасак, дориларга муносабатимизни ўзгартирмасак, қолаверса, ҳукумат томонидан аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чоралар янада кучайтирилмаса, «Quramax Medical» компаниясининг барча дори воситаларини йиғиб олган, дориларни шифокор тавсиясиз ичмасликни ҳар қанча уқтирган билан саломатлигимиз даражаси яхшиланиб қолмайди.

Яна бир гап. Бундан бу ёғига хушёр бўлайлик, ёмғирдан қочиб, дўлга тutilмайлик Аникроғи, «Дорилар зарарли, бизнинг БАДларимиз фойдали. Ҳатто саратонни ҳам даволаш хусусиятига эга», деб оғиз кўпиртираётган биологик фаол қўшимчалар савдоси билан шуғулланувчи маркетинглар таъсирига тушиб қолмайлик. Бу воситалар дори эмаслигини, ўзимизнинг мева қоқиларино арзонгина мойнечагимизнинг самараси катталигини ёдда тутайлик.

Биз «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» янги умуммиллий ҳаракатини амалга ошириш жараёнида аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш чоралари ҳам кўрилади, деган умиддамиз.

Муҳаббат ТҲРАБОВА

«ISHONCH»

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ИНСОНИЯТНИ МУШКУЛ АҲВОЛГА СОЛИБ ҚЎЙМОҚДА. ШУ КУНЛАРДА ИССИҚ ЎЛКАЛАРДА СОВУҚ, СОВУҚ ДАВЛАТЛАРДА ИССИҚ ҲАРОРАТ КУЗАТИЛИШИГА ГУВОҲ БЎЛАЙМИЗ. МАСАЛАН, 9 ЯНВАРДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ВОЛГАБЎЙИ ҲУДУДЛАРИДАН СОВУҚ ҲАВО МАССАСИ КИРИБ КЕЛА БОШЛАДИ. 10-15 ЯНВАРДА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА АНОМАЛ СОВУҚ ОБ-ҲАВО БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА.

Очиғи, биз неча йиллардан бери бу қадар аномал совуққа дуч келмаган эдик. Бироқ бу йилги қиш сабаб шаҳар инфратузилмасидаги муаммолар, газ-свет таъминотидаги қийинчиликлар бўртиб кўришиб қолди. Бироқ қор қанчалик ноқулайликлар келиб чиқармасин, унинг кўп ёғиши аслида кони фойда. Мутахассисларнинг фикрича, қор ёғиши экотизим учун ўта муҳим ҳодиса ҳисобланади. Агар қор қопламлари бўлмаганда Кўёш ҳарорати Ерга 4-6 марта кўпроқ сингиган бўларди. Қор қопламлари Ер юзасининг иситиши ва совийини назорат қилади. Қор – Ер мавсумий циклининг бир бўлагидир. Минтақамизнинг асосий сув манбаси, қор ва музликлар, аммо кўп қисми қор ҳисобига шаклланади. Помирдаги музликларнинг эриши ҳам кейинги пайтларда қорсизликнинг, иқлим иситишининг ортидан юз бераётгани. Қисқача айтганда, Марказий Осиё худудида бу йил кўпроқ қор ёғишига умид бор.

Қорли кунлар йўлларда тирбандликлар келтириб чиқариши, йўлқира оишиши, газ босими пасайиб кетиши, чироклар ҳам тез-тез ўчиб қолиши билан кайфиятсиз тарзда



«ЦИКЛОН БОМБАСИ» ХАТАРЛИМИ ЁКИ ФОЙЛИМИ?

қаршиланишини яхши биламиз. Аммо қорсиз кунларнинг кўпайиши қурғоқчилик манбаи ҳисобланади. Хуллас мавзуга қайтсак, айни пайтда кўшни Қозоғистонда аллақачон «циклон бомбаси» кузатиляпти. Жамбил вилоятининг Жанатас шҳрида бўрон тўфайли табиий фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Худудда кучли шамол ва қор ёғиши натижасида электр симлари узилиб, таянч устунлар кулаб тушган. Қозоғистондаги автомобиль йўлларининг 109 қисми, жумладан, республика аҳамиятига молик автомобиль йўлларининг 41 қисми об-ҳаво шароитининг ёмонлашиши (бўрон, туман, муз) тўфайли ёпилди. Йўлларда юзага келган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича республика штаби тузилди. Ҳозирги кунда қутқарув бўлиналари томонидан минг нафарга

яқин одам (Жамбил, Туркистон, Қўстанай, Қарағанда ва Абай) қутқарилган. Ўзи билан қаттиқ совуқ ва кучли ёғингарчилик олиб келган даҳшатли қиш бўрони АҚШнинг 250 миллионга яқин инсон (мамлакат аҳолисининг деярли учдан икки қисми) истиқомат қиладиган катта қисмини қамраб олди. АҚШнинг 12 штатида экстремал об-ҳаво ҳақида огоҳлантиришлар амал қилмоқда. АҚШ Миллий об-ҳаво хизматининг таъкидлашича, бундай кенг қўламли совуқ оқим кузатувлар тарихида биринчи марта юз бермоқда: деярли бутун мамлакат худуди қишки бўрон остида қолган. Қор бўрони шимолда Канададан жанубда Рио Гранде дарёсига қадар бўлган худудни қамраб олган. АҚШ ва Канададаги аномал об-ҳаво шароити оқибатида камида 80 нафар инсон ҳалок бўлди. Бўрон бир неча кун давом этган тартибсизликларга сабаб бўлди, аммо ҳозирда электр энергияси таъминоти аста-секин тикланмоқда. Бўрон авжига чиққан кунларда 1,7 миллиондан кўпроқ инсон электр қувватисиз қолди. Энг оғир вазият Нью-Йорк штати, хусусан, Буффало шаҳрида кузатилган. Штат губернатори Кети Хокулнинг сўзларига кўра, Буффало шаҳри жанговар ҳаракатлар зонасига ўхшаб қолган. Ушбу кучли бўрон билан боғлиқ ўлимлар Вермонт, Огайо, Миссури, Висконсин, Канзас ва Колорадо штатларида ҳам қайд этилган. Жанубий Флоридада ҳаво ҳарорати шунчалик пасайиб кетганки, игуаналар музлаб қолиб, дархтлардан кулаб тушган. Энг қуйи ҳаво ҳарорати АҚШнинг ғарбий қисмидаги Монтана штатида қайд этилган, бу ерда ҳарорат -45 даражага тушиб кетди. Канаданинг Онтарио ва Квебек провинциялари қаҳратон об-ҳаводан кўпроқ зарар кўрган. Бу ердаги қаттиқ совуқ юз минглаб одамлар яшайдиган уйларда

электр таъминоти узилишига олиб келган. CBS нашри муҳбири Ванкувер шаҳридаги вазиятни шундай тасвирлайди: «Бизда қор ёғди, муз парчани ёғди, бутун регион бўйлаб дўл ёғди. Аҳоли ҳаракатланиши жуда қийин, қўлаб автобус йўналишлари хизмат кўрсатиши тўхтатди, кўприклар ёпиқ, метро ҳам энди секинроқ ишлаяпти. Кўплаб автомобиль эгаларида қишки шиналар йўқ». Метеорологларнинг таъкидлашича, бундай об-ҳаво АҚШ ва Канадада бир неча ўн йилда бир марта кузатилади, аммо ҳозирги циклон кучлилиги сабаб мисли кўрилмаган деб аталмоқда. Қиш нималигини билмайдиган Саудия Арабистонида ҳам қор ёғди. Европаликлар эса қишнинг ғайриоддий иссиқ кунларидан ҳайратда. Хусусан, Марказий Европа мамлакатларида рекорд даражадаги ҳарорат қайд этилмоқда. Сербия пойтахти Белградда 30-31 декабрь ва 1 январь кунлари об-ҳавони кузатиш бошланган даврлардан бери илк бор энг иссиқ кунлар қайд этилди. Цельсий шкаласи бўйича термометр устуни 18 даражани кўрсатди. Иссиқ ҳаво ҳатто тоғли туманларда, айниқса, машур сийҳатгоҳ жойлашган Златиборда кузатилди. 1984 йилда қишки Олимпиада ўйинларини қабул қилган Боснияда ҳам айни манзара ҳукмрон. Қор йўқ. Чанги трассалари ҳам бўмбўш. Меҳмонхоналар мижозларни жалб этиш

ушун нархларни туширишга, ходимларини эса ишдан бўшатилга мажбур бўляпти. Босниянинг айрим қисмида туриндустрия вакиллари табиий хусусиятдаги фавқулодда вазият ҳақида гапира бошладилар. Қуйи Австрияда ҳаво ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича 12 даражагача кўтарилди. Табиат иқлим ўзгаришига мослашиб бораётгандек гўё. Австрия ўрмонларида худди баҳор келганидан дарак бераётгандек, гуллар куртак очмоқда. Аммо бу ҳолат Европа учун нормал ҳодиса эмас. Ўрмон хўжалиги Институтини раҳбари Хуберт Хазенауэр шундай фикрда: «Қишнинг совуқ келгани маъқул. Биринчидан, совуқ бўлса, зараркунданлар камаюди, иккинчидан, уйку даврида дархтлар мириқиб дам олади». Тан олиш керак, кейинги йилларда иқлим тушунарсиз тарзда ўзгариб кетди. Халқаро ташкилот ва экспертлар эса инсоният зарур чоралар кўрмаса, бу тасаввур қилиш қийин бўлган хунук оқибатларга олиб келишидан хавотир билдирыпти. Хусусан, БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш 2022 йил ноябрь ойида Мисрда бўлиб ўтган COP27 Иқлим саммитига

йиғилганларга юзланиб инсоният «ҳамкорлик қилиши керак ё йўқ бўлиб кетади», дея баёнот берганди. Олимларнинг фикрича, 2100 йилгача иқлим иситиши даражаси 1,5 градустан ошмаслиги керак. Аммо, уларнинг яна таъкидлашича, бу кетишда глобал ҳарорат аср охирига бориб 2,8 фойза ошади. Сўнгги йилларда иқлим бўйича олимлар 1850 йилда, глобал саноатлаштириш бошланишидан олдин кузатилган ҳароратдан тахминан 1,5 дан 2°Сгача иситиш оқибатларини кўпроқ ўрганишди. Ушбу тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу асрда ҳароратни ушбу даражага яқин ушлаб туриш глобал иқтисодиётга оғир юк бўлади, аммо улар инсониятнинг яшаб қолиши учун муҳим чорадир. Иқлим бўйича Париж келишув натижасида Ер юзидаги деярли ҳар бир мамлакат бу асрда глобал ҳарорат кўтарилишини 2°С даражадан пастроқ ушлаб туриш ва имкон қадар уни 1,5°С дан пастроқ сақлашга ҳаракат қилиш бўйича келишувни имзолади. Шу маънода олганда, бугунги намли ва совуқ иқлим кўплаб мураккабликлар ва ноқулайликлар туғдиришига қарамай, инсоният, умуман, табиат учун фойдали жиҳатлари ҳам бор. Нима бўлганда ҳам қиш қишлигини қилади. Ҳар ҳолда биз табиатнинг ишига аралашолмаймиз. Муҳими, ана шу совуққа тайёргарлигимизда, менимча...

Абдулло АБДУЛБОҚИЕВ

Ҳикмат

Ёз йўриғини йўймай қўймас, Қиш қилиғини қилмай қўймас.

Халқ мақоли

Мулоҳаза



Кейинги пайтларда умра ва ҳаж сафарларига бориб келаётган ҳамюртларимиз кўпаймоқда. Бошқалар қатори мен ҳам уларга ҳавас қиламан. Аммо ижтимоий тармоқлар орқали муқаддас жойларни зиёрат қилиб қайтганларни тантанавор кутиб олиш, туяга ўтқазиб маросимларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайман ва бехитмёр «Астағфурulloҳ, шунчакам бемаъни қилиқ бўладими?» деб юбораман.

Шаҳарларда бошланган бу ғалати одат ҳозир қишлоқларга ҳам кириб бораёпти. Ҳовлининг турига «Умра муборак!» деган сўзларни ёздириб қўйиб, атрофини худди тўй бўлаётгандек шарлар ва гуллар билан безатишяпти. Катта кўчага узун матолар, кўрпачалар ёки гиламларни тўшаб, зиёратчиларни кутиб олишяпти, ҳатто мушаклар отишяпти. Кимлардир эгнидаги чопонини, костюми ёки курткани, энг ажабланирлиси, боласини ҳам поёндоз қилиб, уларнинг оёғи остига қўяёпти. Ҳаж ва умрага борган тўртқилик Қосим ҳожи, шунингдек, хонободликлар масжид олдига дабдаба билан кутиб олиганини кўриб, энсам қотди. Юлдуз Усмонова, Дилдора Ниёзова, Хосият Хусанова, Севинч Мўминова, Шаҳло Зоирова сингари таниқли санъаткорлар катта дастурхон безатиб, зиёфат беришгандан ҳайратга тушдим.

Ҳаж ва умра сафарига бориб келганлар бу билан ўзларини кўз-кўз қилишмаяптими? Ахир, орамизда кўплаб мискинлар, бева-бечоралар, етимлар, мардикорлик қилаётганлар, дорига ёки операцияга пул тополмай зор-зор йиғлаётганлар бор. Наҳотки, умрага бориб келганлар уларни кўрмаётган ёки эшитмаётган бўлсалар? Борди-ю аксинча бўлса, қанчадан-қанча маблағларини дабдабозликка сарфлагандан кўра, ўша бечораҳол кишиларга моддий ёрдам сифатида эҳсон қилганлари маъқул эмасми? Ахир муҳтожларга кўмаклашиш, одамларга холисано яхшилик қилиш энг савобли ишлардан бири-ку! Бугун дабдабозликни авж олдириб, ўзини кўз-кўз қилаётганлар бунини ҳаммиша ва ҳар қандай вазиятда ҳам ёдда тутсалар, фойдадан холи бўлмасди...

Хонбиби ҲИММАТ ҚЗИ, журналист

Эълон

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар, «Наврўз» маҳалласи, Бобур кўчаси, 52-уй учун Холматов Икром Тожиахматович номига берилган уйнинг барча кадастр ҳужжатлари йўқолини сабабли бекор қилинади.

Қашиқадарё вилояти

Косон тумани «Тошқўприк» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги 20-оилавий поликлиника филиали фаолиятдан, тўғрироғи, бу масканда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун шароитлар етарли эмаслигидан аҳоли қийналмоқда. Одамларнинг айтишича, бу ерда бирор муолажа олмоқчи бўлган беморнинг аҳоли баттар оғирлашар экан.

Аҳвол билан яқинроқ танишиш мақсадида ушбу масканга бордик. Қарши шаҳридан Косон тумани «Тошқўприк» маҳалласи томон борар эканмиз, йўлнинг хароблигидан кўнг-

«МУОЛАЖА»га МУҲТОЖ маскан

лимиз бузилди. Наҳотки, эртадан кечгача ҳаракат бир зум тўхтамайдиغان асосий йўлнинг аҳолини Косон тумани ҳокимлиги ва йўлсозлари билишмаси?

«Тошқўприк» маҳалласида миз... Сўраб-сўраб, 20-оилавий поликлиника филиалига бордик. 1996 йилда қишлоқ врачлик пункти сифатида қурилган тиббиёт масканининг «суяги» яхши сақланган, аммо капитал таъмир, жорий таъмир деган дастурлардан четда қолгани кўришиб турарди. Бинонинг иккита деразасига «целло-

фан» қоқилган. Деразанинг бир кўзидан кўлбола печканин мўриси чиқиб турибди. – Филиалда 8 нафар ҳам-

шифокор Тамара Бекназарова. – Қишнинг совуғидан сақла- ниш учун битта хонага печка ўрнатганмиз. Шуни ёқиб, бар-

деб укол қилишмади. Ҳар кунни ўғлимниқига келаман, ҳамшира шу ерга бориб, му- олажа қиляпти.

– Этаковул қишлоғида яшайман, – дейди Байрам Ғиёсова. – Яқинда турмуш ўртоғим жарроҳлик амалиятини бошидан ўтказди. Аммо оила- ви поликлиника филиалида зарур муолажаларни ололма- дик. Хоналари совуқлиги учун патронаж ҳамширалар уйга бориб, дори-дармон қилишди. Ўзимда ҳам шамоллаш бор. Бир неча бор дарддан азият чекиб келганимда «муолажа қилолмаймиз, шароитимиз йўқ», деган жавобни олдик.

Тамара Бекназарованинг айтишича, филиалда асосан ёш болаларни эмлаш тадбир- лари амалга оширилар экан. Қишнинг совуғида, куз ва баҳорнинг салқин кунларида эмлашга келган мурғак бо- лажонларнинг аҳолини та- саввур қилиб кўрдим...

Ўнқир-чўнқир йўллардан ортга қайтар эканман, муз- дек совуқ муолажа хоналари, совуқдан қалтираётган чақ- лоқлар хаёлимдан кетмасди...

– 10 ойдан бери суяк еми- рилиши дардидан азият че- каман, – дейди бемор Сой- гул Ҳотамова. – Туман мар- казига борганим, «укол» ёзиб беришди. Филиалга келсам, «Хоналар совуқ, шароит йўқ»,

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»

– Устоз, сизнинг ижодингиз илм-фан ва таълим-тарбия билан чамбарчас боғлиқлиги боис дастлаб шу хусусдаги мулоҳазаларингизни билмоқчиман. Яъни мамлакатимизда илм-фан ривожига мутараққий давлатлар «қаричи» билан ўлчанса, қандай ўрин тутайди? Илмга доир аъёна-ларимиз охириги ўн йилликда қандай эди-ю бугун қандай?

– Ута мураккаб ва ўта муҳим савол бердингиз. Бундай дейишимнинг сабаби – фаннинг қамрови ниҳоятда кенгайиб, улкан чинордай шохлаб кетган. Шунинг учун турли соҳаларда, мамлакатимиз илмий муассасаларида қандай тадқиқотлар олиб борилаётгани билан танишиб улгуришимиз, «Хорижга қиёслаганда ундай ёки бундай», деб қозилиқ қилишимиз иложи йўқ. Шунга қарамай, имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Математика соҳасидаги илмий тадқиқотлар даражаси юқори эканлигини эътироф этиш жоиз. Бунга далиллар кўп. Жумладан, иқтисодий тараққиётда дунё бўйича юқори 50 таликка кирадиган давлатларнинг аксариятидаги тадқиқотлар даражасидан баландроқ. Аини чоғда уни янада юксалтириш имкониятлари ҳали олдинда.

Бу борада иккита орзуим бор. Биринчиси – бизнинг ўқувчиларимиз ҳам халқаро математика олимпиадасида (ХМО) олтин медаль олсалар, фақат бир марта эмас, мунтазам равишда деярли ҳар йили 1-2 тасини кўлга киритсалар, дейман. Аини мақсадда Президентимиз кўрсатмаси билан собиқ Халқ таълими, ҳозирги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурда махсус департамент ташкил этилиб, зарур шарт-шароит яратилмоқда. Демак, яқин йилларда бу армонимиз ушалса, ажабмас. Иккинчиси орзуим – математика соҳасида 40 ёшгача бўлган кишиларга бериладиган энг олий халқаро мукофот, яъни Фильдс медали билан тақдирланадиган ёшлар ҳам пайдо бўлса. Таъкидлаш жоизки, бу мукофот соҳиблари асосан ХМО ғолибларидан иборат.

Умуман, фаннинг бугунги ҳолати ҳақида фикр юритганда, бир жиҳатни алоҳида эътиборда тутиш лозим. Юртимиздан буюк алломалар етишиб чиққан даврдаги фан билан замонавий фанни мултолақ қиёслаб бўлмайди. У даврларда бўлгуси олимнинг 100 тача китоб ўқиби, 10 тачасини чуқур ўзлаштириши оламшумул илмий ютуқларга эришиши учун етарли ҳисобланган. Уша ўн тага яқин китобдаги билимларни ўзлаштириш ҳам қийин кечмаган. Ҳозир эса бўлajak кучли олимларнинг мактабда 5-6-синфдан бошлаб тарбияламасак, кеч бўлади. Тўғри, фарзандларимиз орасида ўта салоҳиятлилари кўп, аммо пахта монокультура-иқтисодиёти бошланган даврдан яқин-яқингача таълим «ўғай» соҳа бўлиб келди. Мен ўша кезлар навоийшунос буюк академикнинг ҳовлиси маҳалласидаги энг хароб гўшага айланганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бугун таълимга ҳам, фанга ҳам эътибор бутунлай ўзгарган, аммо у самара бера бошлагани учун йиллар керак. Масалан, майли, ҳар бир мактабда демайлик, жилла курса, ҳар бир туманда икки-уч нафар кучли математика ўқитувчиси бўлиши лозим. Бу фикр бошқа фан соҳаларида ҳам тегишли.

– **Холисона айтинг-чи, бизнинг Ғарб илм-фани ва математика олимлари оғишимиз сабаблари нимада? Қолаверса, нега йўл кўйлаётган хатоларни атрофлича таҳлил қилмай, кўр-кўрона инкор этаверамиз?**

– Моддий олам тўғрисидаги фанлар XVI аср охиридан эътиборан (*Галилей даҳоси туфайли*) Европада жадал ривожланган йўлга ўтди ва изчил юқорилай бошлади. Шарқда эса шу даврдан фанда инқироз бошланиб, XX аср бошларига қадар давом этди. Оқибатда бу даврга келиб Ғарб ва Шарқ фанлари ўртасида еру осмонча фарқ пайдо бўлди. Шарқ мамлакатларида Ғарб олимлари билан беллаша оладиганлар эса ўтган асрнинг ўрталарида етишиб чиқа бошлади. Чунончи, 1930 йили ҳиндистонлик Раман, 1949 йили япониялик Юкава ўз юртиларида ишлагани ҳолда Нобель мукофотида сазовор бўлишди.

Эндиликда физика ва кимё бўйича Нобель мукофотида лойиқ даражада тадқиқот ўтказиш учун ўта қимматбаҳо асбоб-ускуналар зарур. Физиология ва тиббиёт нисбатан мувофиқроқ соҳа саналади. Ё.Тўрақулов ва Р.Исломбековнинг бўёқ касаллиги билан боғлиқ ихтиролари шу даражада бўлган. Афсуски, Ўзбекистон Фанлар академияси таркибда ҳозир физиология институти йўқ. Мен бундай институтни ташкил ташкил этишни ва унга АҚШнинг машҳур илмий



ЮКСАК САВИЯЛИ АДАБИЁТ КУЧЛИ МУРАББИЙДИР

Физика-математика фанлари доктори, академик Абдулла АЪЗАМ билан суҳбат

марказларида ишлаётган олимларимизни олиб келиб, барча шароитларни яратиб беришни тақлиф қиламан. Ҳозиргача физиология бўйича Нобель мукофоти фақат инсон организмидеги жараёнларни ўрганишга бағишланган тадқиқотларга берилган. Улар илмий тиббиётга дахлдор. Бизда ушбу соҳа бўйича фан докторлари аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, анча-мунча ривожланган мамлакатлардагидан ҳам кўп. Аммо тадқиқотлар даражаси қай даражада – буни сени аниқ айтиш қийин.

– **Бундан сал олдин тадқиқотларингиз асосида ёзилган «Мирзо Бобур девонида аруз маҳорати» номли китобингиз нашр этилди. Бизни ушбу тадқиқот қандай юзага келани ва негизи қандай топилмалардан иборат бўлгани қизиқтиради...**

– Биласиз, халқимиз шоирликка мойил, ҳар икки ўзбекдан бири шеър ёзиб кўрган десам, мулоҳаза бўлмайди. Шеър, яъни назм (*бу сўз низоом ва мунтазам сўзлар билан ўзакдош*) вазели нутқдир. Тил хусусиятларидан келиб чиқиб, турли халқлар поэзиясида унга мос вазн тури кўлланади. Ўзбек тили учун энг табиийи си бармоқ вазнидир. У гўдак шуурига она алласи орқали сингади. Шунга кўра, халқ оғзаки ижоди тўлиқ бармоқ вазнида яратилган.

Юртимизда ислом дини тарқалиши ва мадрасалар очилиб, араб тили ўрганила бошлани билан аруз вазни ҳам кириб келган. У араб тили учун табиий бўлиб, унлиларнинг қисқа-чўзиқлиги асосланган. Бундай грамматик унсур форс тилига ҳам хос бўлгани учун ўрта асрларда форсий назм араб назмидан ҳам юксалиб кетган. Эски ўзбек тили, яъни туркийда унлилар кўп ҳолларда қисқа ҳам, чўзиқ ҳам талаффуз қилиниши мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг «**Кунду-э ул хурришди раҳшонидин кўзумга | ё-ш эрур**» мисрасида ёш сўзидаги «о» унлиси чўзиқ, «**Қон ёшим сойрим ю-э узра | о-ш-ко-р-э-тти фирок**» мисрасида эса қисқа (*ҳар икки мисра ҳам рамали мусамман маҳзун* – *фольолотун фольолотун фольолотун фольолун вазнида*).

Ўзбек тилининг бу хусусияти аслида аруз вазнида шеър ёзишни қулайлаштиради. XI асрда яратилган ва «Туркий шоҳнома» деб аталган «Кутадгу билиг» достони арузда битилган. Шундай эса-да, то XV асргача ўзбек шоирларининг шеърлари форсий адабиётнинг юксак намуналари даражасига ета олмаган. Ҳазрат Навоий ўзбек тили арузда шеър ёзиш учун нафақат араб ва форс тилларидан қолишмаслигини, балки қулайроқ эканлигини ҳам назарий жиҳатдан, ҳам ўз ижоди билан исботлаб берган.

Ўзбек шоирлари то XX аср бошларигача аруз вазнида қалам тебратдилар. Яна бир бор тақдорлаймиз, аруз вазни ўзбек тили учун табиий (туғма) эмас, балки махсус ўрганишни талаб этади. Шунинг учун мадрасаларда илми аруз деган фан ўқитилган. Мадрасада ўқимаганлар ҳам би-

рор устоздан сабоқ олишган.

XX асрда матнни босмаҳонада бошига мослаштириш мақсадида араб алифбоси ислоҳ қилиниб, мадрасалар ёпилгач, аруз вазни унутила бошлади. Тўғри, шоирларда ғазалга мойиллик йўқолмади, аммо энди «ғазал дегани бу – *аа, ба, ва* тарзида қофияланадиган шеър» деган тушулча, «фольолотунга тушадиган шеър вазни – аруз» деган формула пайдо бўлди. Аслида ҳар иккиси ҳам хатодир. Чунки, биринчидан, шеърнинг қандай қофияланиши вазни белгиланмайди, қофия – бу қофия, вазн эса – метрика, иккинчидан, ёр дўст каби сўзларни бир бўғин, ақл, жаҳл каби сўзларни а-қл, жа-ҳл тарзида фольолотун (аруз парадигмаси)га тушириш аруз илмига хилофдир.

Хуллас, арузга бармоқчи аралаштириш, ҳатто тўлиқ бармоқ вазнидаги шеърни аруз дея тақдим этиш одатга айланган. Устига-устак, коммунистик мафкура арузни сарой адабиётига хос деган баҳонада таълимдан четлаштирди. Мен Абдулла Ориповдан бу ҳақда сўраганимда, «Нимасини айтасиз, бизга атиги икки соат аруздан дарс ўтилган, шунда ҳам уни ўргатиш учун эмас, балки даври ўтиб бўлган, деган фикрни уқтириш учун», дея жавоб берганди.

«Аруз» (2006 йил), «Навоий ғазалларида ҳазил-мутойба» (2009 ва 2015 йиллар), «Бобур. Девон. Назм маҳорати» (2014 йил) рисоалари арузни бармоқ билан аралаштирувчиларга танбех ва танқид рўҳида, Навоий ва Бобур арузини тарғиби ва ташвиқ қилиш, ёшларни арузга ундаш ва ўргатиш мақсадида ёзилди. Шу билан бирга, «Чикмаган жондан умид» деганларидай, аруз вазнига қизиқадиган, уни ўрганишга ҳаракат қилаётган шоирлар буй кўрсатаётгани умидбахш ҳодисадир. Хуришда, Шоира Шамс ғазаллари аруз қондаларига мувофиқ. Алишер Муқумов ғазалларидаги нафақат вазн, балки сўз санъати ҳам мумтоз адабиётни эслатади.

– **Маълумки, халқимиз қарийб бир ярим аср мобайнида қатағон шароитида яшади. Шу даврда мустақил фикрлар ҳам мусоув бўлаётди. Истиқлол шарофати билан эркин фикрларни қайтадан ўркан бошладик. Аммо эркинлик оғзида келганини гапирши ёки хоҳлаганини ёзиш дегани эмас. Чамамда, атрофимизда сўзболлар кўпайиб, эркинликни суистеъмол қилишаётгандек...**

– Яхши ибора ишлатдингиз: сўзболлик. Сел босиб кела бошласа, фақат қочиб қутулсан. Сўзболлик иллатидан қутулишнинг ягона йўли эса таълим даражасини кўтаришдир. Жаҳид бобола-римизнинг «Нажот – таълим-тарбияда» деган шиори бугун қайтадан долзарблик касб этиб турибди. Унга «Нажот – сифатли таълим-тарбия берадиган педагоглар етарли бўлишида» деб қўшимча қилиш ҳам мумкин.

– **Сир эмас, тилмиз тобора дағаллашиб, жозибасини йўқотаяпти. Тилшуносу қонунийносларимиз эса янги алифбо борасида ҳануз бир тўхтама келишолмаяпти. Ана шундай бир пайтда ёшларимиз ўз кўча алифболарини яратиби, амалиётга татбиқ этиб бўлиши. Давлатимизнинг биринчи рамиз, миллатимиз руҳи саналмиш**

она тилимизга бундай муносабатда бўлиш инсофданми?

– Савияси паст, ҳатто чаласавод муаллимлар ишлаган мактабда ўқиганлардан яна нимани куттиш мумкин? Мен бу билан педагогларга таъна қилмоқчи эмасман, чунки ўзим ҳам ўқитувчиман. Вужудга келган ҳолатга шўро сиёсати, айниқса, пахта монокультураси ҳамда Мустақилликнинг илк йилларидаги иқтисодий муаммолар, кейинроқ бюджет маблағларини шилиши авж олдирган коррупция сабабчидир. Агар биз коррупцияни енгсак, ҳамма муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, акс ҳолда, Аллоҳ асрасин, тилимизни ҳам, ўзлигимизни ва ўзбеклигимизни ҳам, ҳатто иймонимизни ҳам йўқотишимиз аниқ. Нечоғлик ачиқ бўлмасин, мен соч-соқолим оқаргунча ўйлаб, англаб етган ҳақиқат шу!

– **«Тафаккур» журналидаги тадқиқотларингиз ўқирманлар томонидан қизиқиб билан қарши олинди. Сиз чуқур билан ва жиҳадан эҳтирослар ила ёзган мақолаларингизда маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жаҳаларида рўй бераётган «ажаб ҳолат»ларга муносабат билдирасиз. Айниқса, бурч ҳақидаги фикрларингизни ўқиган киши чуқур ўйга толади. Лекин яқин йиллар ичида бурчга содиқ ёшлар тарбияланармикан? Неминча, бунда ота-оналарнинг ҳам ўрни жуда катта.**

– Шубҳасиз, шундай! «Халол яшашни ўрган, бировнинг синиқ игначалик ҳақида ҳам кўз олайтирма. Оч қолсанг, қолки, сенга ишонч билдирганларга хиёнат қилма» деб тарбия бериш қаёқда-ю, «Нима қилиб бўлсам, пул топ. Пул бўлса, чангалда шўрва» дея «адаб ўргатиш» қаёқда?! Агар ўқитувчи ва директор мактабни таъмирлаш учун ота-оналардан пул йигиб, бир қисмини ўзлаштиришса, ўша даргоҳда тарбияни худо урди деяверинг. Ўз навбатида, қарама-қарши парадоксал ҳодиса ҳам кузатилиши, ғирт порахўрнинг оиласидан адолат учун ўлимга ҳам тайёр фарзанд етишиб чиқиши мумкин. Неминча, бу ҳодисанинг тағида бадий адабиёт ётади. Ҳа, юксак савияли бадий адабиёт ниҳоятда кучли мураббийдир! Минг афсуски, бугун китоб дўкўнлари деҳқоннинг бегона ўт босиб кетган даласига ўхшайди. Бегона ўтлар орасида эса заҳарлилари ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Инкор этмаймиз, адабиёт тарғиботи бўйича катта ишлар қилинапти. Хусусан, адабий-бадий журналлар чоп этиляпти. Аммо ҳаммаси сифлиқ бор-япти деб бўлмайди. Президент танбех бергани учун таълим муассасаларида ушбу журналларга 2021 йил учун яши-гина обуна уюштирилди. Кейинги мавсумларда эса у яна муаммога айланди. Наҳотки, шундан ҳам ўта банд давлат раҳбари ҳар йили «Обуна бўлинглар!» деб эслатиб туриши шарт бўлса? Тилга аниқ-аччиқ сўзлар келади-ю, «Аллоҳ инсоф берсин!» дейиш билан чекланаман.

– **Сўнги вақтларда хорижда ўқиб, олим, профессор даражасига етган ҳамюртларимизнинг аксарияти Ўзбекистонга қайтмаяпти, аниқроғи, улар мамлакатимизнинг эмас, бегона юртлар рагнақиға ҳисса қўишимоқда. Ораларида илмий тадқиқот олиб бораётганлари ҳам, нуфузли таълим муассасала-**

Мулоқот

рида ўқитувчилик қилаётганлар ҳам бор. Сизнингча, бундай оқимнинг кучайиши «Ақллар ҳижрати» ортишининг асосий сабаби нима?

– Бу ҳам жуда оғриқли муаммо. Қанийди, иқтидорли ёшларимиз чет элларда ўқиб, юртимизга қайтиб келишса-ю, унинг ҳар томонлама юксалиши йўлида хизмат қилсалар. Албатта, бундай ёшлар ҳозир ҳам топилишига, келгусида уларнинг сони кўпайишига ишонаман. Охириги пайтларда илмий даражага эга ходимлар маоши анча кўтарилгани ҳам бор гап.

Саволингизга жавобан бир ҳақиқатни айтиб ўтишга бурчлиман. Юртимиздаги бундан 10-15 йил аввалги аҳволни бир эслайлик. Ҳар бир фуқаронинг (*бу ўринда фуқаро сўзи бечора маъносига жуда мос келади*) ҳоқимият, солиқ, банк, чегара ва божхона постлари, милиция, айниқса, паспорт столиу ДАН ходимлариға иши тушиб туриши табиий. Ора-сира прокуратура, хавфсизлик хизмати, суд, юқори-роқ бўғиндаги идораларнинг ўзлари ҳам айрим кишиларни, жумладан, хорижда ўқиб келиб, ватанига хизмат қилишга бел боғлаганларни шунга мажбур қилишлари писта чаққандай гап эди. Бу мижорлар



кўпинча шундай тугаганки, ёшларнинг миясига «Эсинг борида четга қочиб қол!» деган фикр келган.

Ўсимда, Буюк Британия университетида постдоктор дастурини ўтаётган шогирдим ёзги таътилда уйига қайтди. Яна йўлга чиқиш учун ташқи виза олиш илжинида тегишли органга мурожаат қилди. Орадан икки ҳафта ўтса ҳам жавоб оломагач, паттасини кейинга суришга мажбур бўлди. Бу мўддат яқинлашганда «Ҳали визангиз келмади» деган гапдан бошқа жавоб эшитмади. Бу сансалорликдан тасодифан оғоҳ топган, муаммога аралашшимга тўғри келди. Қарангки, шундан кейин «ҳали келмаган» визани беш дақиқада беришибди.

Бинобарин, ёшларнинг хорижда қолиб кетаётганининг бош сабаби мўмай даромад орттириш эмас, аввало, давлат идораларида илдииз отган қабихлик ва ҳаромхўрлик, иккинчидан, айрим тоифадаги ёшларнинг кўча-қўйлардаги тарбия-сизлиги ва одоб-ахлоқсизлигидир.

Шу ўринда давлат идораларида ишлайдиган масъулларга мурожаат қилмоқчиман: жамиятдаги муҳит сизга боғлиқ. Сиз ҳам шу жамият аъзосисиз. Шундай экан, ўзингизга ўзингиз «Аволдларим қандай жамиятда ишлагани хоҳлайман? Мен дунёдан ўтиб кетгач, бирор идорага иши туша, уларга қандай муомала қилишларини истаيمان? Невара-чевараларим ҳамма нарсаини пул ҳал қиладиган, бир-бирига ёш жамиятда яшагани яхшими ёки одамлар бир-бирига мададкор бўлган жамиятдами?» деган саволларни бериб кўринг. Ўйлайманки, уларга тўғри жавоб топиш учун ўта ноёб ақл-фаросат соҳиби бўлиш шарт эмас.


– **Сўхбатимиз ниҳоятда айни кунларда сизни профессор ва олим сифатида қизиқтираётган иккита мавзуга тўхталиб ўтсангиз.**

– Биринчиси – фанимиздаги бугунги аҳвол мени қаттиқ ташвишлантиради. Фаннинг бош мақсади объектив ҳақиқатни излаш, табиат, жамият ва одамга боғлиқ сир-синаотларни очишдир. Бироқ ҳозир ҳам ёшлар, ҳам катталар ўртасида илм-фан билан астойдил шуғулланиш эмас, балки диссертация ёқлаш, нашр этилган мақолалар ва ундан келтирилган иқтибослар сони кўп-лигига асосланган ҳирш индекси ортиндан қувшиш, энг ачинарлиси, амал-мартбага эришиш учун илм билан шуғулланиш ҳолатлари, Навоий таъбири билан айтганда, жоҳ кучаймоқда:

*Ким илмни воситаи жоҳ этар
Ўзини халқини гўмроҳ этар.*

Иккинчиси – мен шу ёшгача илм билан, ўқиш, ўрганиш, тафаккур қилиш билан шуғулландим. Умр эса ўтиб бормоқда. Ўрганган илмларим ва орттирган тажрибаларимни шогирдларга қолдирмасам, қиёматда жавобим нима бўлади? Қўлимдан келадигани эса – дарс бериш, мақола, китоб ёзиш...

Муроджон РАХМАТОВ
суҳбатлашди



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati ratsi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVO, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43, Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24, Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02, Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28, Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32, Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov

Musahiflar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:40 Topshirildi – 22:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy, E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka banki» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftanig seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-113 Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 31352

14543 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Хикмат

Адабиёт яшаса – миллат яшар.

Абдулхамид Чўлпон